

**ВЕТЕРИНАРИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD 06/29.10.2021.V.139.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ВЕТЕРИНАРИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

РАҲИМОВ МУҲАМАД ЮНУСОВИЧ

**ҚОРАМОЛЛАР ИКСОДИДОЗЛАРИ ЭКОГЕНЕЗИ ВА
ҚАРШИ КУРАШНИНГ САМАРАЛИ ЧОРАЛАРИ**

03.00.06 - Зоология

**ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2022

ЎЎТ: 619.576.89.59.591.5.616.595.4.

**Ветеринария фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
ветеринарным наукам**

Content of the abstract of doctoral dissertation (PhD) on veterinary science

Рахимов Муҳаммад Юнусович

Қорамоллар иксодидозлари экогенези ва қарши курашнинг самарали
чоралари.....3

Рахимов Муҳаммад Юнусович

Экогенез иксодидозов крупного рогатого скота и эффективные меры
борьбы.....23

Rakhimov Muhamad Yunusovich

Ecogenesis of cattle ixodidoses and effective control measures.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....46

**ВЕТЕРИНАРИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD 06/29.10.2021.V.139.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ВЕТЕРИНАРИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

РАҲИМОВ МУҲАМАД ЮНУСОВИЧ

**ҚОРАМОЛЛАР ИКСОДИДОЗЛАРИ ЭКОГЕНЕЗИ ВА
ҚАРШИ КУРАШНИНГ САМАРАЛИ ЧОРАЛАРИ**

03.00.06 - Зоология

**ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2021.3.PhD/V47 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Ветеринария илмий-тадқиқот институтида бажарилган. Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб саҳифасида (www.viti.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Рўзимуродов Ахрор Рўзимуродович

ветеринария фанлари доктори, профессор

Мавланов Сабиржан Ибадуллаевич

ветеринария фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Гафуров Ақтам Гафурович

ветеринария фанлари доктори, профессор

Воҳидова Дилбар Салимовна

ветеринария фанлари номзоди, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот:

М.Исаев номидаги Тиббий паразитология илмий-тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Ветеринария илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD06/29.10.2021.V.139.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «16» август соат 1400 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 141500, Самарқанд вилояти, Тойлок тумани, Тойлок шаҳарчаси, Беруний кўчаси 35 уй. Тел.: (+99866) 666-56-60; факс:(+99866) 666-56-66; e-mail: nivi@vetgov.uz)

Диссертация билан Ветеринария илмий-тадқиқот институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (6304 - рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 141500, Самарқанд вилояти, Тойлок тумани, Тойлок шаҳарчаси, Беруний кўчаси 35 уй. Тел.: (99866) 666-56-60; факс:(99866) 666-56-66).

Диссертация автореферати 2022 йил «02» 08 кун тарқатилди.
(2022 йил «02» 08 даги № 3 - рақамли реестр баённомаси)



Б.А.Элмуродов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
вет.ф.д., катта илмий ходим

Ж.М.Исаев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
вет.ф.д., катта илмий ходим

Г.Х.Мамадуллаев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
вет.ф.д., катта илмий ходим

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёнинг кўпчилиги давлатларида паразитар ҳамда трансмиссив касалликлар кенг тарқалган бўлиб, улар чорвачиликка катта иқтисодий зарар етказиб келмоқда. Ҳозирда ушбу касалликларга ва бошқа касалликларнинг махсус (*Vector*) тарқатувчилари бўлган қон сўрувчи каналарга қарши курашиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга. «Қон сўрувчи каналар қон сўриш билан бирга ҳайвоннинг терисини жароҳатлаб, 85% тери хомашёсини ишлаб чиқаришга яроқсиз ҳолатга келтиради, бундан ташқари ёппасига ҳайвонларга ташланганида ҳар бир бош соғин сигирнинг сут маҳсулдорлиги 18-20%, тана вазни 12 фоизгача камаяди»¹. Қорамоллар иксодидозларини аниқлаш, каналарни тарқалишини ўрганиш ва уларга қарши курашиш тадбирларини такомиллаштириш муҳим вазифалардан биридир.

Дунё микёсида сўнгги йилларда ноқулай экологик омиллар таъсирида қишлоқ хўжалик ҳайвонлари организми табиий резистентлигининг пасайиб кетиши оқибатида қорамоллар иксод каналари ареалининг кенгайиши, шунингдек эпизоотологик жараённинг фаоллашуви кузатилмоқда. Хусусан, экотон ва экотопларда текинхўр бўғимоёқлилар туркумига (*Arthropoda*) мансуб каналар (*Arachnidae, Acari*) кенг тарқалган бўлиб, ушбу паразитлар аҳоли ва чорва ҳайвонларининг трансмиссив-инфекцион, вирусли трансмиссив-паразитар касалликларни тарқатувчилари сифатида ҳам хавфлидир. Шу нуқтаи назардан дунёда қон сўрувчи паразитларга қарши кураш, улар билан зарарланган ҳайвонларга тезкор ташхис қўйиш ва олдини олиш усулларини такомиллаштириш ишлари, янги акарицид препаратларни ишлаб чиқаришга қаратилган илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Республикамизда сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида чорвачилик соҳасида муайян ютуқларга эришилмоқда. Жумладан, Республикамиз ҳудудига четдан кириб келиш хавфи бўлган турли юкумли, юкумсиз ва паразитар касалликларни даволаш ва олдини олишда ҳудудларнинг экологик ҳолатини эътиборга олган ҳолда тизимли чора-тадбирларни йўлга қўйилиши натижасида қорамоллар иксодид каналари чақирадиган касалликларнинг олди олинмоқда. Шунга қарамай хавфли трансмиссив (туляремия, Ўрта Осиё геморрагик иситмаси, Томди, Термиз геморрагик иситмаси, эфемер иситма, кана энцефалити, малярия ва бошқа) касалликлар хавф солмоқда. Олимларимиз маҳаллий препаратлар асосида каналарга қарши хлорорганик, фосфорорганик ва пиретроид препаратларни синовдан ўтказиш тадқиқотларини олиб бормоқда. Маълумки бир препаратни паразит турларига қарши узоқ йиллар қайта қўллаганда, ушбу препаратга нисбатан уларда резистентлик ривожланиб, паразитоцид таъсир кучи, самаралилиги пасаяди. Шунинг учун каналарга қарши янги препаратлар самарадорлигини ўрганиш ва

¹Ақбаев М.Ш., Василевич Ф.И и др. Паразитология и инвазионные болезни животных/ - Москва: «Колос», 2008. – С. 776.

қўллаш тадбирларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш муҳим вазифа бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «Ўзбекистон Республикасини 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида»²ги «..инсон кадри учун» тамойили асосида ҳалқимизнинг фаровонлигини янада ошириш, иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқоролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислохотлар» бўйича ташкилий-амалий чораларни кучайтириш устувор масалалардан бири сифатида эътироф этилган. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 мартдаги ПФ-5696-сон «Ветеринария ва чорвачилик соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва 2019 йил 28 мартдаги ПҚ-4254-сон «Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация доирасидаги тадқиқотлар муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг *VI*. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистоннинг иссиқ иқлим шароитида иксод каналарининг тур таркиби, морфологияси, биологияси, экологияси, филогенияси, эволюцияси бўйича кўпгина Ўзбекистонлик олимлар Я.М.Муратбеков, С.А.Нодиров, Х.Кузибаева, У.Я.Узаков, Т.Ҳ.Рахимов, А.Р.Рўзимуродов, С.Бабаева, О.С.Давидов, Ш.А.Абдурасулов ва бошқалар томонидан мазкур йўналишларда кенг қамровли тадқиқотлар олиб борилган. Бундай илмий тадқиқот ишлари хорижлик олимлар, хусусан, J.R.Sauer, S.Fukumato, A.A.Guglielmone, F.Mohtarami, T.Motoyashiki, И.Г.Галузо, Н.И.Агринский, Ю.С.Балашов, В.Н.Романенко, Е.Н.Богдановалар иксод каналарнинг турларини тарқалиши, динамикаси, уларга қарши акарицид препаратларни самарадорлиги ва хавфсизлиги бўйича тадқиқотлар олиб боришган. Шунинг билан бир қаторда яйлов каналарининг протозой, вирус, бактерия, замбуруғлар томонидан қўзғатиладиган касалликларни тарқатувчи ва резервент (заҳира) сифатидаги ахамиятини В.Л.Якимов, А.Ғ.Ғафуров, А.В.Блецер, А.А.Марковлар, чет элда эса R.Kox, A.Teyler, E.D.Serjent ва бошқалар ўз тадқиқот ҳамда изланишларида исботлаб берганлар.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «Ўзбекистон Республикасини 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сонли Фармони.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари ветеринария илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот режасининг ҚХА-9-096 “Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини зоопаразитоз ҳамда хавфли трансмиссив касалликлардан муҳофаза қилишнинг янги самарали усул ва воситаларини яратиш” (2012-2014 йй.), ҚХА-9-028 “Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини хавфли паразитоз ва табиий ўчоқли трансмиссив касалликлардан муҳофаза қилишнинг янги экологик безарар, тежамкор ва самарали воситаларини тадқиқ ва жорий қилиш” (2015-2017 йй.), БВ-А-ҚХ-2018 “Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини паразитар касалликларига қарши курашишнинг янги восита ва усулларини тадқиқ ва жорий қилиш” (2018-2020 йй.) мавзуларидаги амалий лойиҳалари асосида бажарилган ва мамлакатимизда ушбу соҳа бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишларига монанд равишда амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади қорамоллар иксодидозларининг экогенезини ўрганиш ҳамда уларга қарши курашнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қорамолларда иксодидозларнинг мавсумий динамикаси ва экогенезини аниқлаш;

янги инсектоакарицид пиретроид (суми-альфа, дельтаметрин, каратин ва бошқа) препаратларнинг қорамоллар иксодидозларига қарши терапевтик самарасини аниқлаш;

инсектоакарицид препаратларни соғин сигирларнинг сути таркибидаги қолдиғини аниқлаш;

қорамоллар иксодидозларига қарши ўтказилган даволаш-профилактика чора-тадбирларининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш;

қорамоллар иксодидозларига қарши самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Самарқанд вилояти чорвачилик хўжаликлари, шахсий ва фермер хўжаликларидаги қорамоллар, хавфли трансмиссив касалликлар тарқатувчи иксод каналар, личинка ва имаголари ва акарицид препаратлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети шахсий, чорвачилик хўжаликларидаги қорамолларда паразитлик қилувчи каналар ва улар чақирадиган иксодидозларнинг экогенези, миграцияси, мавсумий динамикаси ҳамда ушбу касалликларни даволаш ва олдини олиш тадбирлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Эпизоотологик, паразитологик, клиник, морфологик, экологик, фенологик, арахнологик, токсикологик ҳамда статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Самарқанд вилоятининг турли биоэкологик ҳудудларида иксод каналарининг *Hyalomma*, *Rhipicephalus*, *Haemaphysalis*, *Dermacentor*

авлодларини тарқалиш даражаси экотопларда 70%, экотонларда 75% эканлиги аниқланган;

Самарқанд вилояти ҳудудлари бўйича шахсий хўжаликлар қорамолларида паразитлик қиладиган иксод каналаридан *Hyalomma* ва *Rhipicephalus* авлоди вакиллари 70% доминантлик қилиши аниқланган;

Самарқанд вилоятининг турли биоэкологик ҳудудларида қорамоллар иксодидозларининг мавсумий динамикаси 80% эканлиги аниқланган;

соғин сигирларнинг сути таркибидаги инсектоакарицид препаратлар қолдиғи биологик усулда 24, 48 ва 72 соат давомида текширилганда қолдиқ билан ифлосланмаслиги аниқланган;

қорамолларнинг иксодидозларига қарши якка тартибдаги пуркаш усули, пиретроид препаратларнинг қўлланилиши бўйича монография ва тавсиянома ишлаб чиқилган;

қорамоллар иксодидозларига қарши инсектоакарицид, яъни суми-альфа, дельтаметрин, каратин-10 препаратлари юқори (95-100 %) терапевтик самарага эга эканлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Қорамолларни иксодидозларига қарши курашда суми-альфа ҳамда дельтаметрин пиретроидларини режали равишда 10-15 кун оралиғи билан иксодидоз касаллигини авжига чиққан палласида қўлланилди ва 100% самарадорликга эришилди;

Илмий-амалий тадқиқотлар давомида «Пиретроидлар, Табиий ўчоқли трансмиссив касалликлар муҳофазаси» номли Монографиясининг маълумотлари асосида Самарқанд вилоятининг шахсий хўжаликларидаги қорамолларнинг иксодидоз касаллигига қарши профилактик ҳамда даволаш тадбирлари олиб борилган ва ижобий натижалар олинган;

Қорамоллар иксодидозларига қарши даволаш ва профилактика тадбирларининг иқтисодий самарадорлиги аниқланган ва амалиётга қўллаш учун тавсия этилган;

Қорамоллар иксодидозига қарши курашиш ва даволашнинг мақбул муддатлари ва соғломлаштириш календар режаси ишлаб чиқилган;

Самарқанд вилоятининг чорвачилик, деҳқон ва шахсий хўжаликлардаги қорамолларда илк бор иксодид каналари систематикаси, тарқалиш даражаси, мавсумий динамикаси ҳамда акарицид препаратларни самарадорлиги ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Текширишлар ва илмий-тадқиқотлар мобайнида иксод каналарига нисбатан профилактик чоратадбирларни мақбул муддатларда ва замонавий усулларда олиб борилганлиги, илмий-тадқиқотлар натижасида олинган маълумотларга ишлов берилганлиги ва илмий таҳлил қилинганлиги, олинган назарий натижаларнинг тажриба маълумотлари билан тўғри келиши, олинган натижаларнинг мутахассислар томонидан юқори баҳоланганлиги, илмий тавсиялар ва тадқиқот натижаларининг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти чорвачиликни ривожлантиришда катта иқтисодий зарар кўрсатаётган қорамоллар иксодидозларининг эпизоотологияси, мавсумий динамикаси ва уларни даволаш, олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш бўйича илк бор илмий маълумотлар олинганлиги, шу билан бир қаторда қорамоллар иксодидозларига қарши курашишда пиретроид препаратларнинг қўлланилиш услублари ўрганилганлиги муҳим илмий аҳамиятга эга эканлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шахсий ҳамда кичик чорвачилик хўжаликлариде паразитар касалликларга қарши ишлаб чиқилган суми-альфа, дельтаметрин, каратин каби воситаларни иксод каналарига қарши қўллашнинг самарали усулларини амалиётга жорий этилиши бўйича ишлаб чиқаришга илмий асосланган амалий тавсиялар берилганлиги билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қорамоллар иксодидозлари экогенези ва қарши курашнинг самарали чоралари бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлиги Давлат ветеринария Бош бошқармаси томонидан 2015 йил 14 октябрда «Маҳаллий Суми-альфа инсектоакарицидининг чорвачиликда экто- ва эндопаразитларга ҳамда хавфли трансмиссив касалликларнинг “вектор” тарқатувчиларига қарши курашда қўлланилиши» бўйича тавсиянома ва 2016 йил 15 ноябрда «Йирик ва майда шохли ҳайвонлар, от ва туялар эктопаразитларига қарши курашиш тўғрисида» йўриқнома тасдиқлаиб Самарқанд вилояти шахсий чорвачилик хўжаликлариде қўлланилган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2022 йил 10 мартдаги 02/23-90-сон маълумотномаси). Натижада иксод каналарига қарши курашда 95-100% самарадорликга эришилган.

Самарқанд вилоятининг экотоплари (Тойлоқ, Ургут, Жомбой ва Пайариқ туманлари шахсий ёрдамчи ва чорвачилик хўжаликлари) ва экотонлари (“Зарафшон” тўқайзорлари) шароитида ўтказилган эпизоотологик тадқиқотлар натижасида қорамолларда паразитлик қилувчи каналарга қарши Суми-альфанинг 0,012%, Дельтаметрин 0,015%, Каратин 10% препаратининг 0,006% концентрат эритмалари юқори терапевтик ва акарицид самара кўрсатиши аниқланган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2022 йил 10 мартдаги 02/23-90-сон маълумотномаси). Натижада қорамолларда иксодидозларни даволаш ва олдини олишга сарфланган 1 сўм харажатга 15,33 сўм иқтисодий самара олишга эришилган;

Ўзбекистон Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш Давлат қўмитаси томонидан 2018 йил 20 апрелда «Пиретроидлар. Табиий ўчоқли трансмиссив касалликлар муҳофазаси» номли монографиянинг II-нашри тасдиқланган ва чоп этилган. Ушбу ишлаб чиқилган илмий ечимлар асосида деҳқон, аҳоли қарамоғидаги хусусий қорамолларнинг иксодидозларни олдини олиш ва даволашда янги, маҳаллий самарадор ветеринария препаратлари

амалиётга жорий қилинган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2022 йил 10 мартдаги 02/23-90-сон маълумотномаси).

Натижада тавсия этилган чора-тадбирларни жорий этилиши ҳисобига қорамолларни иксодидозлардан даволаш ва олдини олиш имкониятига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси: Мазкур тадқиқот натижалари 2014-2021 йилларда Ветеринария илмий-тадқиқот институтининг Услугий ва Илмий кенгашларида муҳокама қилинган. Барча ўтказилган диссертация илмий тажрибалари режим комиссияси далолатномалари билан тасдиқланган. Илмий-тадқиқот иши натижалари жами 4 та, жумладан 2 та халқаро ва 2 та Республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, шундан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан 6 та Республика 3 та хорижий илмий журналларида нашр этилган, шунингдек, олинган натижалар асосида 1 та монография, 1 та тавсиянома ва 1 та йўриқнома ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулосалар, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **“Кириш”** қисмида тадқиқотлар мавзусининг долзарблиги ва зарурати, мавзунинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, тадқиқотнинг вазифалари, тадқиқотнинг объекти, тадқиқотнинг предмети, тадқиқотнинг усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқотнинг амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми баён этилган.

Диссертациянинг **“Адабий манбалар шарҳи”** деб номланган биринчи бобида иксод каналарининг фаунаси, фенологияси, экологияси, морфологияси, ривожланиш биологияси, тарқалиши, ижтимоий-иқтисодий аҳамияти, касалликларни тарқатувчилик хусусиятлари, иксодидозлар диагностикаси ва уларга қарши кураш тадбирлари, ҳайвонлар иксодидозларини даволаш борасида хорижий ва республикамиз олимлари томонидан олиб борилган илмий тадқиқотлар натижалари баён қилинган.

Адабий манбалар таҳлилига кўра, хорижлик ва республикамиз олимлари томонидан чорва ҳайвонларини иксод каналаридан ҳимоя қилиш борасида олиб

борилган изланишлар натижасида бир қатор ижобий натижаларга эришилган. Бироқ, мамлакатимизни турли экотопларида иксод каналарининг миграциясини ва экогенезини аниқлаш, чорвачилик фермер, деҳқон ва шахсий хўжаликларда қорамоллар иксодидозларига қарши экология ва атроф-муҳитга безарар самарали тадбирлар етарлича ишлаб чиқилмаган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот материаллари ва услублари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот жойи, объекти ва услублари баён этилган. Тадқиқот объекти сифатида Ветеринария илмий-тадқиқот институтининг арахноэнтмология лабораторияси, Самарқанд вилоятининг 4 та туманларидаги чорвачилик фермер ва деҳқон хўжаликлари экотоплари ҳамда аҳоли қармоғидаги 2600 бош қорамоллар танлаб олинган. Биоэкологик, фенологик, паразитологик, миграция, санитария-гигиеник, терапия, профилактика, иқтисодий ва бошқа тадқиқотлар замонавий биометодология ҳамда ветеринария ва медицина фанида қабул қилинган усуллар, махсус услубий қўлланмалар ва аниқлагичлар (определителлар) ёрдамида олиб борилди. Инсектоакарицидлар самарадорлиги «Ветеринарияда репеллент ва инсектицидлар самарадорлигини ўрганиш» методик қўлланмаси ҳамда ЖССТ қўлланмалари, паразитларни инсектицидларга индивидуал сезувчанлиги Урбах, Кербер усули, препаратларни ҳайвонлар организми ва чорвачилик маҳсулотларидаги қолдиғи биологик ва токсикологик (ТЖХ) хроматография усулида, препаратни иқтисодий самарадорлиги вақтинчалик қўлланма ва А.Р.Рўзимуродов тавсия этган усуллар асосида ўрганилди.

Диссертациянинг **“Иксод каналари фаунаси ва феноекологияси”** деб номланган учинчи бобида Самарқанд вилоятининг Тойлоқ, Ургут, Жомбой, Пайариқ туманлари экотон ва экотопларида, тўқайзорларда иксод каналари фаунаси ва феноекологияси, зообиоценозларда иксод каналарини тарқалиши ва улар томонидан чақириладиган касалликлар, ҳаракати, доминант турлари, инвазия экстенсивлиги, иксодидозлар клиникаси, иксодидозларга қарши дори воситаларининг характеристикаси, дезакаризация ва терапевтик синовлар, пиретроид препаратларни қўлланиш рентабеллиги баён қилинган.

Тадқиқот ишлари Самарқанд вилоятининг кичик чорвачилик хўжаликлари, аҳолининг шахсий хўжаликларидаги қорамоллар яъни, иккиламчи (антропоген экотоплар) ҳамда бирламчи биоценозлар (зооценоз) шароитида олиб борилди. Бунда жами 2600 бош қорамоллардан фойдаланилди. Тойлоқ, Жомбой, Ургут, Пайариқ туманлари экотон ва экотоплари, тўқайзорларида иксод каналарининг *Dermacentor*, *Hyalomma*, *Rhipicephalus* авлодлари вакиллари қишлоқ хўжалик ҳайвонлари, хусусан қорамоллар танасида доминант эктопаразитлар эканлиги аниқланди (1-жадвал).

Кичик чорвачилик хўжаликлари (деҳқон ва шахсий) шароитида асосан *Trichodectidae*, *Ixodidae* популяциялари кузатилди. 2018 йилдаги текширишлар ва кузатувларда эктопаразитларнинг мавсумий фенологиясида нотабий (аномал) ҳолат кузатилмади. Тойлоқ тумани “Тепакшилоқ”, “Ўртақишлоқ”, “Файзиобод” ҳамда “Дўстлик” маҳаллалари, Ургут тумани “Шитоб” маҳалласи ва Жомбой тумани шахсий (аҳоли қармоғидаги моллар) хўжаликларида

мавжуд чорва молларини эктопаразитларга қарши текширишлар ва кузатувлар жараёнида асосан *Hyalomma* (*H.anatolicum*, *H.plumbeum*, *H.detrutum*), *Rhipicephalus* (*Rh.bursa*, *Rh.turanicus*), *Dermacentor* (*D.marginatus*) авлодларига мансуб каналар ҳамда триходектоз (*Trichodectes bovis*) энтомоз касаллиги учради.

Иксодидоз касалликлар (иксод каналари) баҳор ойларининг охири ва ёз ойларида кўпроқ, нимфа шакллари қиш ойларида ҳам эпизоотия чақиради. Зарафшон воҳаси экотон ва экотоплари шароитида йирик ва майда шохли моллар орасида эктопаразитозлар ҳамда ўлат, Қрим-конго ёҳуд Осиё геморрагик иситмаси (қора ҳалак), туляремия, кана энцефалити, пироплазмидозлар каби одам ва ҳайвонларнинг трансмиссив касалликларини кўзгатувчиларининг специфик тарқатувчилари бўлган *Hyalomma plumbeum*, *Hyalomma anatolicum*, *Hyalomma detrutum*, *Rhipicephalus bursa*, *Rhipicephalus turanicus* каналарининг ҳаракати март ойининг бошларидан бошланади.

1-жадвал

Зообиоценозларда аниқланган зоопаразитлар ва улар томонидан чақириладиган паразитар касалликлар

Ҳайвон тури	Тарқалган зоопаразитлар тури	Иксодидозлар номи
Қорамолларда	<i>Hyalomma anatolicum</i>	Гиаломмоз
	<i>Hyalomma plumbeum</i>	Гиаломмоз
	<i>Hyalomma detrutum</i>	Гиаломмоз
	<i>Rhipicephalus bursa</i>	Рипицефалёз
	<i>Rhipicephalus turanicus</i>	Рипицефалёз
	<i>Dermacentor marginatus</i>	Дермацентороз
	<i>Rhipicephalus bursa</i>	Рипицефалёз
	<i>Rhipicephalus turanicus</i>	Рипицефалёз

Тадқиқотларда Тайлоқ туманидаги “Боғизоғон”, “Тепақишлоқ”, “Ўртақишлоқ”, “Файзиобод” маҳаллалари ҳамда “Зарафшон” воҳасининг шахсий хўжаликларида 200 бош қорамоллар иксодидоз касалликларига текширилди. Текшириш натижасида уларнинг инвазия экстенсивлиги 85 фоизни (170 бош) ташкил этди. Асосан *Dermacentor*, *Rhipicephalus*, *Hyalomma* авлодларига мансуб қон сўрувчи кана турлари тарқалганлиги аниқланди.

Ургут туманининг “Шитоп” ҳамда “Урамас” маҳаллалари шахсий хўжаликларидан 35 бош қорамоллар эктопаразитларга текширилди. Улардан 30 боши (85,7%) иксод каналари билан спонтан ҳолда зарарланганлиги аниқланди. Бу ҳудудда асосан *Rhipicephalus*, *Dermacentor* авлоди турлари доминантлик қилиши кузатилди.

Жомбой тумани “Гулистон” ҳамда “Сарой” маҳаллалари ҳудудидаги шахсий хўжаликлардаги 50 бош қорамоллар иксодидозларга нисбатан текширилганда, улардан 40 боши (80,0%) моллар касалланганлиги аниқланди. Бу ҳудудда асосан *Hyalomma*, *Rhipicephalus* ва *Dermacentor* авлоди вакиллари доминант тур сифатида қайд этилди.

Пайариқ тумани “Накурт” маҳалласининг шахсий хўжаликларидаги (аҳоли қармоғидаги) 35 бош моллар текширилганда уларнинг барчаси (100%) иксод каналари билан зарарланганлиги кузатилди. Бу молларда асосан *Hyalomma*, *Haemaphysalis* авлоди вакиллари доминант тур сифатида паразитлик қилиши аниқланди.

Ўтказилган текширишлар ва кузатувлар натижасида Тойлоқ, Ургут, Жомбой, Пайариқ туманлари экотон ва экотопларида, тўқайзорларда иксод каналарининг *Hyalomma* (*H.anatolicum*, *H.plumbeum*, *H.detrutum*), *Rhipicephalus* (*Rh.bursa*, *Rh.turanicus*), *Haemaphysalis* (*H.sulcata*, *H.punctata*), *Dermacentor marginatus*, авлодлари вакиллари қорамоллар организмида асосий патоген тур бўлиб, *Hyalomma* ва *Rhipicephalus* авлоди каналари доминант турлар эканлиги аниқланди (1-расм).

Шундай экан, уларга қарши дезакаризация тадбирларини режали ва мунтазам равишда амалга ошириш талаб этилади. Тадқиқотлар Пайариқ туманидаги чорвачилик фермер ҳамда шахсий ёрдамчи хўжаликлардаги йирик ва майда шохли ҳайвонларда эктопаразитларга қарши пиретроид препаратларнинг самарадорлигини аниқлаш ҳамда паразитар касалликларнинг олдини олишдан иборат бўлди.



1 - расм. Қорамоллар танасидан терилган иксод каналари

Пайариқ туманидаги “Толмос - R” чорвачилик фермер хўжалигидаги 40 бош қорамолларни эктопаразитлар билан зарарланиш даражаси текширилди. Текширилган қорамолларнинг 30 боши ёки 75 фоизи иксод каналари билан зарарланганлиги аниқланди.

Шу тумандаги “Тошбоев Жамшид даласи” чорвачилик фермер хўжалигидаги мавжуд 48 бош қорамолларни эктопаразитлар билан зарарланиши ўрганилганда, уларнинг 62,5 фоизи эктопаразитлар билан зарарланганлиги қайд қилинди.

Тойлоқ, Ургут, Жомбой, Пайариқ туманлари экотон ва экотопларида аниқланган иксод каналарнинг доминант турлари *Hyalomma* (*H.anatolicum*, *H.plumbeum*, *H.detrutum*), *Rhipicephalus* (*Rh.bursa*, *Rh.turanicus*), *Haemaphysalis* (*H.sulcata*, *H.punctata*), *Dermacentor marginatus* авлодлари вакиллари қорамоллар танасида паразитлик қилувчи мавсумий зоопаразит сифатида аниқланди. Уларнинг мавсумий ҳаракати ташқи муҳит ҳароратига боғлиқ ҳолда иксодидоз касаллигини кўпайишига олиб келади (2-жадвал).

Диссертациянинг “Иксодидозлар клиникаси” деб номланган учинчи бобнинг иккинчи бўлимида иксод каналари хўжайин танасига тушгандан бошлаб қон сўришнинг охиригача эктопаразит ҳаёт тарзини олиб бориши, каналар қорамол ва бошқа ҳайвонларга ёпишганда, унинг қонини сўрганда ўша ҳайвон иксодидоз касаллигига чалиниши қайд қилинган. Қана ҳайвон танасига ёпишиб қонини сўрганда қон сўрғичидан оғриқли захар чиқариши оқибатида ҳайвонда қаттиқ безовталаниш, ҳолсизланиш, камқонлик, ҳайвон озиб маҳсулдорлигини кескин пасайиши кузатилади. Бунда ҳайвонни ташқи таъсирларга сезгирлиги сусаяди, қоннинг ҳайвон тана қисмларига тармашган жойлари (сўрғичини қадаган жойлар) қаттиқ қизғиш тўқимага айланади ва терининг маҳаллий шикастланишига олиб келади. Улар одатий қон сўрувчилар ҳисобланади, қон улар учун ягона озиқ-овқат туридир.

2-жадвал

Экотон ва экотопларда иксод каналарнинг мавсумий ҳаракати

О й л а р								
I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX
Ҳ а р о р а т, °С								
Кеч-5 Қунд-10+17	Кеч-2-5 Қунд+4+7	Кеч-7 Қунд+12	Кеч+5-8 Қунд+15-20	Кеч+7-12 Қунд.+28-34	Кеч+10-18 Қунд+27-35	Кеч+17-19 Қунд.+34-40	Кеч+15-23 Қунд+33-39	Кеч.+13+18 Қунд.+23+33
-	-	-	<i>Hyalomma</i> <i>H.anatolicum</i> <i>H.plumbeum</i> <i>Rh.sanguineus</i> <i>Rh.bursa</i> <i>Rh.turanicus</i>	<i>Rh.bursa</i> <i>H.anatolicum</i> <i>H.plumbeum</i> <i>Rh.turanicus</i>	<i>H.plumbeum</i> <i>H.anatolicum</i> <i>Rh.bursa</i> <i>Rh.turanicus</i> <i>Haemaphysalis sulcata</i>	<i>H.anatolicum</i> <i>H.plumbeum</i> <i>Rh.bursa</i>	<i>Rh.bursa</i> <i>H.anatolicum</i> <i>H.plumbeum</i>	<i>Rh.bursa</i> <i>H.anatolicum</i> <i>H.plumbeum</i>

Иксод каналари ўзининг танасида 250 га яқин хавфли вирус кўзғатувчиларини сақлаб, ўта хавфли трансмиссив касалликлар тарқатувчилари ҳисобланади. Бу касалликлар қанадан ҳайвонга уларнинг сўлаги орқали юқади.

Иксодидоз мавсумий касаллик бўлиб деярли барча турдаги ҳайвонларда учрайди. Бу касалликнинг бошланиши баҳор мавсумида бўлиб, ёз мавсумида унинг авжига чиқиши кузатилади.

Диссертациянинг “**Иксодидозларга қарши дори воситаларнинг умумий характеристикаси. Дезакаризация ва терапевтик синовлар**” деб номланган учинчи бобнинг учинчи бўлимида Навоий “Электрокимёзавад” да ишлаб чиқарилган маҳаллий ўсимлик пиретроиди - Суми-альфа (эсфенвалерат) 20 фоизли концентрат эритмасини эктопаразитларга қарши самарадорлиги ва мақбул дозаларини ўрганиш мақсадида шахсий хўжаликларда тажрибалар олиб борилди.

1-тажриба. Тайлоқ туманидаги “Тепақишлоқ”, “Ўртақишлоқ” ҳамда “Боғизоғон” маҳаллаларидаги шахсий хўжаликларда 53 бош қорамоллар текширилди. Текширишлар натижасида 6 бош қорамолда *Trichodectes bovis* (битлар, сочхўрлар) эктопаразити аниқланди. Ушбу 6 бош касалланган молларга 20 фоизли Суми-альфа пиретроид препаратининг 0,012 фоизли сувли эритмаси тери юзасига тўлиқ пуркалди (2 литр/бош). Моллар 4 кун мобайнида кузатилиб, уларни эктопаразитлардан тозаланганлиги аниқланди. Препаратнинг инсектицид ва терапевтик самарадорлиги 100% бўлди.

2-тажриба. Тайлоқ тумани Тепақишлоқ маҳалласининг шахсий хўжаликларида *H.anatolicum*, *H.plumbeum* билан зарарланган 10 бош қорамол 20 фоизли Суми-альфа препаратининг 0,012 фоизли сувли эритмаси билан (2 л/б. дозада пуркаш усулида) дориланди. Бу моллар 3 кун мобайнида кузатилиб, каналардан ҳоли бўлганлиги кузатилди. Препаратнинг акарицид ва терапевтик самараси 100 фоизни ташкил этди.

3-тажриба. 34 бош қорамол текширилганда, 20 бош қорамоллар асосан *Hyalomma*, *Rhipicephalus* авлодларига мансуб каналар билан зарарланганлиги кузатилди. Молларни дезакаризация қилиш учун 20 фоизли Суми-альфа препаратининг (0,012%) сувли эритмаси қўлланилди. 3 кундан сўнг дезакаризация қилинган моллар танасида кана топилмади. Акарицид экстенс-ва интенссамара 100 фоизни ташкил этди.

4-тажриба. Тепақишлоқ маҳалласининг шахсий хўжаликлардаги 10 бош қорамоллар *H.anatolicum*, *H.plumbeum* каналари билан зарарланганлиги аниқланди. Моллар танаси каналарга нисбатан 20 фоизли Суми-альфа препаратининг 0,012 фоизли сувли эритмаси билан (2 л/бош тана юзасига пуркаш усулида) дориланди. Бу моллар 3 кун мобайнида кузатилиб, каналардан тўлиқ тозаланганлиги қайд қилинди. Препаратнинг акарицид экстенс-ва интенс самараси 100 фоизни ташкил этди.

5-тажриба. Тайлоқ туманидаги “Тепақишлоқ” ва “Ўртақишлоқ” маҳаллаларига қарашли шахсий хўжаликларда 12 бош *Hyalomma* ва *Rhipicephalus* авлоди каналари билан зарарланган моллар 20 фоизли Суми-альфа препаратининг 0,012 фоизли сувли эритмаси билан дориланди (териси юзасидаги каналар бор жойлар дориланди). Дориланган моллар 3 кун давомида кузатилиб, каналардан ҳоли бўлганлиги аниқланди. Препаратнинг экстенс ва интенс самарадорлиги 3 кундан сўнг 100 фоизни ташкил этди (3-жадвал).

Маҳаллий пиретроид 20 фоизли Суми-альфа препаратининг 0,012 фоизли сувли эритмаси иксод каналарига қарши юқори самарадорликка эга эканлиги аниқланди.

3-жадвал


20% ли Суми-альфа препаратининг 0,012% ли сувли эритмасини каналарга қарши экстенс ва интенс самарадорлиги

Т.р	Хайвон тури ва бош сони	Паразит тури	Дори сувли эритмаси (%)	Ишчи эритма ҳажми (л/бош)	Қўллаш усули	Акарицид самараси (%)
1.	Қорамол (6 бош)	<i>Hyalomma anatolicum</i>	0,012	2	Тўлиқ пуркаш	100
2.	Қорамол (10 бош)	<i>H.anatolicum</i>	0,012	2	Тўлиқ пуркаш	100
3.	Қорамол (20 бош)	<i>H.anatolicum</i>	0,012	2	Тўлиқ пуркаш	100
4.	Қорамол (10 бош)	<i>H.anatolicum</i>	0,012	2	Тўлиқ пуркаш	100
5.	Қорамол (12 бош)	<i>Rhipicephalus bursa</i>	0,012	1	Тўлиқ пуркаш	100

Дельтаметрин пиретроидининг 5 фоизли концентрат эритмасини эктопаразитларга нисбатан самарадорлиги ва мақбул дозаларини ўрганиш шахсий хўжаликларда олиб борилди.

6-тажриба. “Тепақишлоқ” маҳалла фуқароси Юлдашев Қаюмга тегишли 2 бош қорамол *H.anatolicum* канаси билан зарарланганлиги аниқланди. Моллар эктопаразитларга қарши препаратнинг 0,015 фоизли сувли эритмаси билан (600 мл/бош, 1,8 мл/ФТМ бош) дориланди. Дорилашдан 1 кундан сўнг хайвонлар текширилганда 90 фоиз каналар нобуд бўлганлиги ва препаратнинг акарицид самарадорлиги 1 суткада 90 фоизни, 2 суткадан сўнг эса 100% ни ташкил қилиши аниқланди.

7-тажриба. Тайлоқ тумани “Тепақишлоқ” ва “Боғизоғон” маҳаллаларини шахсий хўжаликлариди 11 бош қорамоллар хиаломмоз (*Hyalomma anatolicum*, *H.plumbeum*) ва триходектоз (*Trichodektes bovis*) билан касалланганлиги аниқланди. Зарарланган 11 бош моллар 5 фоизли дельтаметрин препаратининг 0,015 фоизли сувли эритмасидан 1,5 литр/бош ишчи эритмаси пуркалди. Назоратдаги 5 бош қорамолга эса 1,5 литрдан оддий сув пуркалди. Натижада 2 суткадан сўнг тажриба гуруҳидаги 11 бош қорамоллар танасидаги эктопаразитлар 100 фоиз нобуд бўлганлиги аниқланди. Назоратдаги 5 бош қорамол танасидаги кана ва ҳашаротларни тирик қолганлиги кузатилди. Препаратнинг инсектоакарицид самараси 100 фоизни ташкил этди (2-расм).



2-расм. Дельтаметрин 5 фоизли препаратининг 0,015 фоизли сувли эритмасини `кана ва ҳашаротларга қарши самарадорлиги

8-тажриба. “Боғизоғон” маҳалла фуқароси Рахимов Даминнинг 8 бош *H. anatolicum* канаси ва кўп миқдорда *Trichodectes bovis* билан зарарланган сигирлари 5 фоизли Дельтаметрин препаратини 0,015 фоизли сувли эритмаси (2000, 1500, 1000 мл/бош ишчи эритма, 4,5 мл/ФТМ бош) билан дориланди. 1 суткадан кейин сигирлар текширилганда препаратнинг акарицидлик таъсири яққол кўриниб, каналар 100 %нобуд бўлганлиги кузатилди.

9-тажриба. “Тепақишлоқ” маҳалласидаги Ражабов Соҳиб хонадонидаги 3 бош ва “Ўртақишлоқ” маҳалласида яшовчи Уроқов Маъруфга тегишли 3 бош қорамолларни текширганимизда кўп миқдорда *H. anatolicum* ва кам миқдорда *H. plumbeum* канаси билан зарарланганлиги аниқланди. Бу қорамоллар препаратнинг 0,015 фоизли сувли эритмаси (1500 мл/бош ишчи эритмаси, 4,5 мл/ФТМ бошга) билан пуркаш усулида дориланди. Кузатувлар натижасида 24 соат давомида барча каналар нобуд бўлганлиги аниқланиб, акарицидлик самара 100 фоизни ташкил қилиб, моллар хиаломмоздан тўлиқ холос бўлди.

10-тажриба. Тайлоқ тумани “Тепақишлоқ” маҳалласи фуқароси Рахимов Юсуфга тегишли 5 бош паразитоз (*H. anatolicum* ҳамда *H. plumbeum* канаси) билан касалланган 5 бош қорамол 5 фоизли Дельтаметрин препаратининг 0,015 фоизли эритмаси билан (1000 мл/бош ишчи эритмаси, 3 мл/ФТМ бошга) пуркаш усулида дориланди. Моллар 1 суткадан сўнг текширилганда, каналарни тўлиқ нобуд бўлмаганлиги кузатилди, препаратнинг акарицидлик самарадорлиги қониқарли бўлмади. 2 суткадан сўнг препарат таъсирида 100 фоиз каналарнинг ўлганлиги, сигирларнинг гиаломмоздан соғайганлиги кузатилди.

11-тажриба. Тайлоқ тумани “Тепақишлоқ” маҳалласида фуқаро Н.Каримовга тегишли 3 бош қорамол *H. anatolicum* канаси билан зарарланганлиги аниқланди. Моллар Дельтаметрин препаратининг 0,015 фоизли сувли эритмаси билан (1000 мл/бош ишчи эритма, 3 мл/ФТМ бошга)

дориланди. 2 суткадан сўнг моллар танасидаги каналар нобуд бўлди. Препаратнинг акарицидлик самараси 100 фоизни ташкил қилди.

Хитойда ишлаб чиқарилган 5 фоизли Дельтаметрин препаратини 0,015 фоизли концентрациясини 600-1000 мл (1,8-3 мл/ФТМ ҳисобида) ишчи эритмаси кичик ёшдаги ҳамда жуссаси кичик молларни эктопаразитларига (*H.anatolicum*, *H.plumbeum*, *Rhipicephalus bursa*) қарши 100%, 1500-2000 мл (4,5 мл/ФТМ ҳисобида) миқдордаги ишчи эритмаси эса катта ёшдаги ва вазни катта қорамоллар эктопаразитларига (*H.anatolicum*, *H.plumbeum*, *Rhipicephalus bursa*) қарши 100% самарадорлик кўрсаткичига эгаллиги қайд қилинди.

Каратин 10 фоизли пиретроид препаратини концентрат эритмаси эктопаразитларга қарши синов ишлари Тайлоқ тумани “Ўртақишлоқ” маҳалласидаги шахсий аҳоли қармоғидаги *Hyalomma* ва *Rhipicephalus* иксод каналари билан спонтан зарарланган 30 бош қорамолларда олиб борилди. Бунда даволаш учун Каратин 10% препаратининг 0,006 фоизли (2 л/бош) ишчи эритма пурқалди. Бунда, дориланган молларни 1 суткадан кейин текширганимизда, препарат иксод каналарига нибатан 100 фоиз акарицид самара кўрсатганлиги аниқланди (3-расм).



3-расм. Каратин 10% препаратининг 0,006 фоизли эритмасини иксод каналарига қарши акарицид самарадорлиги

Хитойда ишлаб чиқарилган Каратин 10% препаратини 0,006 фоизли эритмаси қорамоллар иксод каналарига қарши юқори самаралиги аниқланди.

Ўзбекистон-Беларусия кўшма корхонасида ишлаб чиқарилган Циперметрин 25 фоизли пиретроид препаратининг №1 ва №3 намуналарини қорамолларни эктопаразитлари ва иксод каналарига қарши инсектоакарицид самарасини ўрганиш бўйича синов тажрибалари олиб борилди. Тажрибаларда 190 бош йирик шохли қорамоллардан фойдаланилди.

1.1. Препаратнинг №1 намунасини инсектоакарицидлигини аниқлаш 90 бош қорамолда ўтказилди. Дорини қўллашдан олдин моллар танасида *Hyalomma* (*H.anatolicum*, *H.plumbeum*, *H.detrutum*), *Rhipicephalus* (*Rh.bursa*, *Rh.turanicus*) авлод каналари паразитлик қилиши аниқланди. Дори

қўлланилгандан сўнг 24 соатдан сўнг молларни танлов асосида текширганимизда каналарни 80 фоизи нобуд бўлганлиги кузатилди.

1.2. Препаратнинг №-1 намунасини инсектоакарицидлик самараси 40 бош қўйда синалди. Қўйлар танасида *Rhipicephalus* (*Rh.bursa*, *Rh.turanicus*) авлоди каналари учраши қайд қилинди. Препаратни 1 л/бош ҳажмдаги сувли эмульсияси қўйлар танасининг умуртқа поғонасига тўкиш усули билан қўлланилди. Дори воситаси билан ишлов берилгандан 3 соатдан сўнг қўйлар танасидаги паразитлар ҳаракатсизланди (нокдаун ҳолатига тушди), 8 соатдан сўнг эса 80-85% каналар нобуд бўлди.

1.3. Препаратнинг №1 намунаси молхонадаги зоофил ҳамда эндофил ҳашаротларга қарши самарасини ўрганиш мақсадида молхоналар ва хожатхоналар 100-150 мл 1м² нисбатида дезакаризация қилинди. Дезакаризациядан 1 соатдан сўнг ўтказилган кузатишда молхонадаги зоофил ҳамда эндофил ҳашарот ва каналар 100 фоиз нобуд бўлганлиги кузатилди.

2.1. Препаратнинг №3 намунасини инсектоакарицидлиги 100 бош қорамолда ўрганилди. Ўрганиш жараёнида моллар танасида *Hyalomma* (*H.anatolicum*, *H.plumbeum*, *H.detritum*), *Rhipicephalus* (*Rh.bursa*, *Rh.turanicus*), *Dermacentor* (*D.marginatus*) авлодлари каналари паразитлик қилиши аниқланди. Эктопаразитлар билан зарарланган қорамоллар пуркаш усулида Циперметрин 25% ли пиретроид препаратининг №-3 намунаси билан дориланди. Дори воситаси қўлланилгандан 5 соат ўтгач каналарда фалажланиш бошланди (нокдаун ҳолатига тушди). Дорилашдан 9 соатдан кейин қорамоллар танасидаги каналарни 100 фоиз нобуд бўлганлиги аниқланди.

2.2. Препаратнинг №3 намунасини инсектоакарицидлик самараси 20 бош қўйда ҳам синаб кўрилди. Қўйлар танасида *Rhipicephalus* (*Rh.bursa*, *Rh.turanicus*) авлоди каналари борлиги аниқланди. Препаратнинг 1 л/бош ҳажмдаги сувли эритмаси қўйлар танасининг умуртқа поғонаси қисмига тўкиш усули билан қўлланилди. Дори воситаси билан ишлов берилгандан 3 соатдан сўнг қўйлар танасидаги паразитлар фалаж ҳолатига туша бошлади, 6 соатдан сўнг эса каналарни 100% нобуд бўлганлиги аниқланди.

2.3. Препаратнинг №3 намунаси молхона ва хожатхоналардаги зоофил ва эндофил ҳашаротларга қарши ишлов берилди (1 м² жойга 100-150 мл миқдорида сувли эритма пуркалди). 45 минутдан сўнг препаратни зоофил ҳамда эндофил ҳашаротларга нисбатан 100 фоиз инсектицид, паразитоцид ва акарицид самара берганлиги кузатилди. Циперметрин 25 фоизли Ўзбекистон-Беларусия пиретроид препаратини №3 намунаси қорамолларни эктопаразитлари (иксод каналари)га ва молхонадаги зоофил ҳамда эндофил ҳашарот ва каналарга нисбатан 100 фоизлик, препаратнинг №-1 намунаси фақат молхонадаги зоофил ҳамда эндофил ҳашарот ва каналарга нисбатан 100 фоизлик самара кўрсатиши аниқланди.

Диссертация учинчи бобининг **“Чорвачилик маҳсулоти хавфсизлиги”** деб номланган тўртинчи бўлимида Соғин сигирлар сути таркибида пиретроид препаратлар қолдиғини ўрганиш натижалари баён қилинган. Бунда Каратин 10% препаратини 0,003 фоизли сувли эритмаси билан дориланган

“Тепакішлоқ” маҳалласидаги 5 бош соғин сигирлар сути дорилангандан 24, 48, 72 соатдан кейин Петри идишида *Musca domestica vicina* ва *Calliphora vicina* чивинларига эркин ҳолда едирилиб ўрганилди.

Каратин 10% препарати билан дориланган сигирлар сути билан 24, 48 ва 72 соат давомида озиклантирилган *M.d.vicina*, *C.vicina* ҳашаротларида захарланиш белгилари ва нобуд бўлиш кузатилмади. Назоратдаги (5 бош) дориланмаган сигирлар сути билан озикланган ҳашаротлар ҳам ўлмади. Каратин 10% препаратининг 0,003 фоизли сувли эритмаси билан дориланган сигирлар сути препарат қолдиғи билан ифлосланмаслиги аниқланди.

Соғин сигирлар сути таркибида 20 фоизли Суми-альфа препарати қолдиғини ўрганиш “Тепакішлоқ” маҳалласида М.Рахимов хўжалигида препаратнинг 0,012 фоизли эритмаси билан (1,8 мл/б ФТМ) дориланган 9 бош сигирлар сутини 12, 24, 62 соатдан кейин соғиб олиб, эталон ҳашаротларга (хар бир тажрибада 20 экземплярдан *M.d.vicina* ва *C.vicina* чивинлари) дориланган сигирлар сути билан 24 ва 48 соат давомида озиклантирилган *M.d.vicina* ва *C.vicina* ҳашаротлари орасида захарланиш белгилари ва нобуд бўлиш ҳолатлари кузатилмади.

4-жадвал

**Дориланган соғин сигирлар сутида 20 фоизли Суми-альфа
препарати қолдиғини аниқлаш натижалари**

Т.р	Сувли эритма қўлланилган дозаси	Ҳайвон сони (бош)	Дориланган кун (вақти)	Сут таркибидаги препарат қолдиғи (%)	Петри идишидаги сут миқдори (мл)
1.	3 л/б с.э.	1	13.08.18 10:20	0	20
2.	3 л/б с.э.	1	13.08.18 10:45	0	20
3.	3 л/б с.э.	1	13.08.18 11:10	0	20
4.	3 л/б с.э.	1	13.08.18 11:35	0	20
5.	3 л/б с.э.	1	13.08.18 12:00	0	20
6	3 л/бош	3	13.08.18	0	20

Назоратдаги (3 бош) дориланмаган сигирлар сути билан озиклантирилган ҳашаротлар ҳам ўлмади (4-жадвал).

Тадқиқотларда олинган натижаларга асосланиб хулоса қилиш мумкинки, 20 фоизли Суми-альфа препаратининг 0,012 фоизли сувли эритмаси билан дориланган сигирлар сути препарат қолдиғи билан ифлосланмайди.

Соғин сигирлар сути таркибида Дельтаметрин 5% препаратининг қолдиғини ўрганиш Тойлоқ тумани “Тепакішлоқ” маҳалласининг шахсий хўжаликларидаги 5 бош соғин сигирдан фойдаланилди. Бунинг учун

препаратнинг 0,015 фоизли сувли эритмаси билан дориланган сигирлар сути дорилангандан 24, 48, 72 соатдан кейин соғиб олиниб Петри идишчалари ёрдамида *Musca domestica vicina* ёхуд *Calliphora vicina* ҳашаротларига эркин ҳолда едирилиб ўрганилди.

Натижада дориланган сигирлар сути билан 24, 48 ва 72 соат давомида озиклантирилган *M.d.vicina* ва *S.vicina* ҳашаротлари орасида заҳарланиш белгилари ва ўлим ҳолатлари кузатилмади. Назоратдаги (5 бош) дориланмаган сигирлар сути билан озикланган ҳашаротларда ҳам салбий ҳолатлар кузатилмади. Дельтаметрин 5% препаратининг 0,015 фоизли сувли эритмаси билан дориланган сигирлар сути препарат қолдиғи билан ифлосланмайди деб хулоса қилиш мумкин.

Дезакаризация қилишнинг иқтисодий самарадорлиги махсус тажрибалар асосида ўрганилди, яъни эктопаразитоз-иксодидоз (гиаломмоз) касалликлар таъсирида сигирларнинг сут маҳсулдорлигини камайишини инсектоакарицидлар ёрдамида бартараф қилиниши натижасида олинган фойдани аниқлаш йўли билан амалга оширилди.

Тажрибалар каналарни табиатда энг кўпайган вақтида амалга оширилди. Бунда 10 бош соғин сигирларда тажриба ўтказилди, тажриба ва назорат гуруҳлари учун 5 бошдан соғин сигирлар ажратилиб, 25 кун давомида уларнинг кунлик сут маҳсулдорлиги ҳисобга олиниб, ўртача маҳсулот кўрсаткичи аниқланди. Тажриба гуруҳидаги 5 бош соғин сигир Суми-альфа 20% препаратининг 0,012 фоизли сувли эритмаси билан бир бошга 3-3,5 литрдан махсус ускуна (пуркагич) ёрдамида сепилди

Бир бош соғин сигирни хўжалик ветеринария врачлари томонидан режали равишда Суми-альфа 20% пиретроид препарати билан 1 карра дезакаризация қилиш (даволаш) харажати киймати 2865 сўмни ташкил этди (қўшимча ишчи кучи ажратилмаган ҳолда).

Шундай қилиб, қорамолларни иксодидозларига қарши ўтказилган даволаш-профилактика чора-тадбирлари натижасида соғин сигирларни сут маҳсулдорлиги ўртача 0,6 килограмга кўпайиши ёки иқтисодий самарадорлик, харажат қилинган 1 сўмга 15,33 сўм соф даромад келтириши аниқланган.

ХУЛОСАЛАР

1. “Зарафшон” экологик ландшафти зообиоценозларининг экотопларида (Тойлок, Ургут, Жомбой ва Пайариқ туманлари) қорамолларнинг иксодидозлар билан касалланиш даражаси ёз ойларида 70,0 %, экотонлар (“Зарафшон” тўқайзорлари) шароитида эса 75,0 фоизни ташкил этди.

2. Самарқанд вилоятининг Тойлок, Ургут туманлари шахсий хўжаликларидаги мавжуд қорамолларда *Hyalomma*, *Rhipicephalus*, Пайариқ, Жомбой туманлари тўқайзорлари - экотонлари шароитида эса *Dermacentor*, *Hyalomma*, *Rhipicephalus* иксод кана авлоди вакиллари доминантлик қилиши аниқланди.

3. Экотопларда иксодидозларнинг феномуддатлари кейинги (2016-2018) йилларга нисбатан об ҳавонинг салқин келиши сабабли 10-15 кунга кечикиши аниқланди.

4. Самарқанд вилояти ҳудудларида қорамолларнинг 60,0 фоизи *Hyalomma* (*H.anatolicum*, *H.scupense*, *H.detrutum*) ва *Rhipicephalus* (*Rh.bursa*, *Rh.turanicus*) авлодларига мансуб кана турлари билан зарарланганлиги аниқланди.

5. Зарафшон воҳаси экотон ва экотоплари шароитида йирик ва майда шохли моллар ҳамда одам ва ҳайвонларнинг ўта хавфли трансмиссив касалликлари қўзғатувчиларининг тарқатувчилари бўлган *Hyalomma anatolicum*, *Hyalomma detrutum*, *Rhipicephalus bursa* ва *Rhipicephalus turanicus* каналарининг ҳаракати март ойининг сўнги ва апрель ойининг биринчи декадаси оралиғида бошланиши аниқланди.

6. Суми-альфа (эсфенвалерат 20%) препаратининг 0,012 фоизли сувли эритма шакли қорамолларнинг иксодидозларига – хиаломмоз ва рипицефалёзга нисбатан юқори даражада (100 %) терапевтик самара берди.

7. Дельтаметрин (пиретроид, 5% к.э.) препаратининг 0,015 фоизли сувли эритмаси қорамол иксод каналарига нисбатан 98,0% акарицид таъсир кўрсатди.

8. Каратин (10% к.э. пиретроид) препаратининг 0,006 % сувли эритма шакли қорамоллар иксод каналарига нисбатан 95,0% акарицид самара берди.

9. Қорамоллар иксодидозларига қарши ўтказилган даволаш-профилактика чора-тадбирлари натижасида соғин сигирларнинг кунлик сут маҳсулдорлиги ўртача 0,6 килограммга кўпайиши ёки даволаш учун сарф қилинган 1 сўм харажатнинг қоплами 15,33 сўмни ташкил қилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD 2021 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ
СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
ИНСТИТУТЕ ВЕТЕРИНАРИИ**

НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ ВЕТЕРИНАРИИ

РАХИМОВ МУХАММАД ЮНУСОВИЧ

**ИКСОДИДОЗЫ КРУПНОГО РОГАТОГО СКОТА И
ЭФФЕКТИВНЫЕ МЕРЫ БОРЬБЫ С НИМИ**

03.00.06 – «Зоология»

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛАСОФИИ (PhD)
ПО ВЕТЕРИНАРНЫМ НАУКАМ**

Самарканд – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей квалификационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2021.3.PhD/V47.

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Научно-исследовательском институте ветеринарии.

Автореферат диссертации доктора философии (PhD) на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.viti.uz) и в информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Рузимуродов Ахрор Рузимуродович

доктор ветеринарных наук, профессор
Мавланов Сабиржан Ибдуллаевич
доктор ветеринарных наук

Официальные оппоненты:

Гафуров Ақтам Гафурович

доктор ветеринарных наук, профессор
Вохидова Дилбар Салимовна
Кандидат ветеринарных наук

Ведущая организация:

Научно-исследовательский институт Медицинской паразитологии имени М.Исаева

Защита диссертации состоится «16» августа 2022 г. в 14⁰⁰ часов на заседании научного совета PhD.06/29.10.2021.V.139.01 по присуждению ученых степеней при Научно-исследовательском институте ветеринарии, (Адрес: 140103, город. Тайляк, ул. А.Беруний, 35, Тел.: (+99866) 666-56-60; факс: (+99866) 666-56-66; e-mail: nivi@vetgov.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Научно-исследовательского института ветеринарии (зарегистрирована за №6304). (Адрес: 140103, город. Тайляк, ул. А.Беруний, 35, Тел.: (99866) 666-56-60; факс: (99866) 666-56-66).

Автореферат разослан «02» 08 2022 года.

(протокол рассылки № 3 от 02.08 2022 года).



Б.А.Элмуродов

член научного совета по присуждению учёной степени, д.в.н., ст.н.с.

Ж.М.Исаев

член секретарь научного совета по присуждению учёной степени, к.в.н., ст.н.с.

Г.Х.Мамадуллаев

Председатель научного семинара по присуждению учёной степени, д.в.н., ст.н.с.

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время во многих странах мира широко распространены паразитарные и трансмиссивные заболевания, наносящие большой экономический ущерб животноводству. В связи с этим, большое научно-практическое значение имеет борьба против этих заболеваний и кровососущих клещей – распространителей (*Vector*) других специфических заболеваний. «Наряду с высасыванием крови, эти клещи повреждают кожу животных, что приводит в негодность для производства до 85 % кожного сырья, кроме того, при массовом нападении на животных, молочная продуктивность коров снижается на 18-20 % и теряется до 12 % массы тела»¹ Выявление иксодидозов крупного рогатого скота, изучение распространения клещей и усовершенствование мер борьбы против них является одной из важных задач.

